

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 91 (1152), 2024 йил 11 май, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЧАРМ ВА ИПАК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 май куни чарм ва ипак саноятини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда кўплаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тез фурсатда иш ўрни ва экспортбоп маҳсулот яратадиган, юқори даромад келтирадиган кичик ва ўрта корхоналар ҳам керак. Бу борада энг катта имконият маҳаллий санаят тармоқларида.

Сўнгги йилларда бу йўналишларда тадбиркорлик учун кенг шароит яратилди. Масалан, чармга ихтисослашган 16 та кичик санаят зонаси ташкил қилинди. Янги лойиҳалар учун 40 миллион доллар арзон ресурс берилди.

Ўтган йили чарм санаятида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 триллион сўмга етган. Лекин шунинг ярими Андижон ва Фарғона вилоятларига тўғри келган. Тери хомашёси кўп бўлган Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразмда бу кўрсаткич паст.

Тармоқ экспортда бирламчи маҳсулот ўрни юқори, тайёр маҳсулот улushi атити 30 фоиз атрофида. Терини қайта ишлаш даражаси ҳам етарли эмас. Бунда чорвачилик кластерларидан тўла фойдаланилмаяпти.

Шу боис, энди “Ўзчармасанаят” уюшмаси фаолияти ўзгартирилиб, бу тармоққа Халқ банки бириктирилади. Вилаят ҳокимлари билан биргаликда чармга ихтисослашган кичик санаят зоналарида 100 миллион долларлик лойиҳалар шакллантирилади.

Шунингдек, Шароф Рашидов ва Оҳангарон туманларида чарм кластерлари ташкил қилинади. Уларда сув тозалаш иншооти ва бино қуриш учун 40 миллион доллар арзон ресурс йўналтирилади. Лойиҳаларга табиий ва сунъий чармдан маҳсулот чиқарувчи хорижий брендлар жалб этилади. Бунинг учун сорсинг компанияларига сарфланган корхона харажатиининг 30 минг долларгача қисмини қоплаб бериш йўлга қўйилади.

Чорвачилик кластерларига озуқабоп экин учун ер ҳамда зотли қорамол учун кам фоизли кредитлар ажратилади.

Йиғилишда ипакчилик тармоғи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Охириги йилларда бу йўналишда ҳам кластер тизими жорий этилди. Жумладан, 74 та пилла-ипакчилик кластери ва 11 та уруғчилик корхонаси ташкил қилинди. Туг майдонлари 40 минг гектардан 55 минг гектарга кенгайди. Буларнинг натижасида пилла етиштириш ҳажми 2,5 баробар ошди, 26 минг тоннага етди, ипак маҳсулотни экспортти 3 баробар кўпайди.

Лекин ипак қуртини парваришлаш, касалликдан сақлаш агротехникаси етарли ривожланмаган. Оқибатда пилла олишда йўқотиш нисбатан кўп.

Асосий экспорт ҳалигача хомашё бўлиб қоляпти. Шу боис, пиллани чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳажмини, мато ва уй текстили қувватларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу орқали дунёда ипак маҳсулотлари импортининг 45 фоизи тўғри келатган Европа бозоридан ўрин олиш керак.

Пиллачиликда энг долзарб масала — озуқа. Бунинг учун янги навли ҳосилдор тут экинни кенгайтириш зарур. Шунингдек, пахта майдонлари четига бир-икки қатордан тут экилса, қўшимча озуқа манбаи яратилади.

Ҳокимларга янги тутзорлар ташкил қилиш учун 105 минг гектар ер ажратиш топширилди. Бу ерлар лотларга бўлиниб, аукцион орқали аҳолига берилди, аукционда ерининг бошланғич нархи 10 фоиз этиб белгиланади. Банд бўлмаган аҳоли, жумладан, аёллар мономарказлар ва пиллачилик кластерларида қисқа курсларда ўқитилади.

Шу пайтгача пилланинг харид нархи камлиги учун одамларда манфаатдорлик паст эди. Президентимизнинг куни кеча имзолаган ипакчиликни ривожланти-

ришга оид фармонига кўра, пилланинг харид нархи 25 фоизга оширилди. Пиллакорлар даромад ва ижтимоий солиқлардан озод қилинди, тутзорлар учун ер солигининг 10 фоизи тўланадиган бўлди.

Тармоқда самарадорликни оширишнинг яна бир йўли — муқобил усулларни қўллаш. Масалан, Хитойда канакунжур қуртини парваришлаб, ипак олиш кенг йўлга қўйилган. Бу янги йўналишни ўзининг иқлим шароитимизга мослаб, таъбиқ этиш мумкин.

Ўсимликлар карантини ва химоси агентлигига канакунжур ўсимлиги ҳамда қурти уруғларини олиб келиб, Ипакчилик институтида синовдан ўтказиш топширилди.

Ҳокимлар ва соҳа мутасаддиларига пилла мавсумини сифатли ташкил этиш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Аҳоли бандлиги ва маҳаллий санаятда гилам ишлаб чиқаришнинг ҳам ўрни бор. Ўтган йили бундай корхоналарга маркашланган ҳолда полипропилен олиб келиш йўлга қўйилгани ўз самарасини берди. Бу таъриба давом этирилиб, маблаг икки қарра кўпайтирилиши, валята тушумигача бўлган вақт инобатга олинди, тадбиркорларга полипропилен 1 йилгача муддатга берилиши айтилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ушбу санаят тармоқларидаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқот қилди. Уларнинг муаммолари ва тақлифлари асосида мутасаддиларга Европа сертификатини олишда тадбиркорларга кўмаклашиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш, чет эллардаги савдо уйларида миллий чарм, гилам ва ипак маҳсулотларини ҳам жойлаштириш, малакали ўрта бўғин ҳодимларини тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича кўрсатмалар берилди.

Кун тартибидоги иккинчи масала — Сайхунбод таърибасининг жойлардаги ижросига қаратилди.

Бу борадаги ишлар натижасида апрель ойининг ўзида 365 минг аҳоли бандлиги таъминланган ва тадбиркорлик жалб қилинган. Банклар ўз мижозларининг муаммоларини ҳал қилиб, 115 минг кишининг иш билан таъминланганига шароит яратган. Маҳаллаларда 70 мингта микролойиҳа амалга оширилган. 465 минг гектар томорқага экин экилган.

Лекин айрим ҳудудларда сусткашликлар ҳам бор. Масалан, ўрганиш ўтказилган 7 та туманда ўнлаб томорқаларда маҳсулот экилмаган.

Сусткашликка йўл қўйгани учун туман даражасидаги 382 нафар масъуллар ишдан олигани маълум қилинди.

Президентимиз бандлик ва аҳоли даромади масаласи бирламчи аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлаб, барча даражадаги раҳбарларни огоҳлантирди.

Сайхунбод таърибаси борасидаги ишларни туман ва маҳалла кесимида сифатли ташкил этиш, аҳолига доимий иш ўрни ва даромад манбаи яратиш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Маҳаллалардаги яна бир муҳим масала — тартибли ва хавфсиз меҳнат миграцияси.

Жорий йилнинг тўрт ойида 115 минг нафар хорижда ишлаётган фуқаролар юртимизга қайтиб келган. Йил охиригача яна 250-300 минг нафари қайтиши кутилмоқда. Уларни ишга жойлаштириш, ижтимоий масалаларига кўмаклашиш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга миграция бўйича ягона ахборот платформасини яратиб, “маҳалла еттичилиги” тизими билан интеграция қилиш вазифаси қўйилди.

Муҳокама қилинган вазифалар юзасидан тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ
ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 май куни қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш, ерлардан самарали фойдаланиш ва соҳани илмий ривожлантиришга қаратилган тақлифлар тақдими билан танишди.

Мамлакатимизда 3 миллион гектар яйлов ва экин ерлари даражасидаги учраган, 2 миллион гектарга яқин турли даражада шўрланган. Хорижий экспертлар иқлим ўзгариши сабабли 2030 йилга бориб, минтақамизда сув ресурслари қарийб 6 фоизга қисқаришини айтмоқда. Бунинг чораларини ҳозирдан қўриш зарур.

Шу боис, қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича 52 банддан иборат миллий дастур ишлаб чиқилди. Дастур доирасидаги чора-тадбирларга 294 миллион доллардан ортиқ грант маблағлари жалб қилиш назарда тутилган.

Жумладан, Оролбўйида 1 миллион гектардаги агроэкологик ландшафтлар ҳамда даражасидаги учраган яйловлар ҳолати яхшиланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ихотазорлар барпо қилинади. Сув таъминоти оғир ерларда қизилма, наъматак, кунжут, артемия етиштириш йўлга қўйилади.

Иқлим ўзгаришини таҳлил ва башорат қилишга оид маркаш тузилиб, 5 та вилаятда агрометеорология станциялари ўрнатилди. Шунингдек, Италия билан ҳамкорликда Интенсив уруғчилик ва қўчатчилик халқаро маркази, шўрча ва сувсизликка чидамли экинлар бўйича уруғчилик хўжалиги ташкил этилади.

Сувни тежаш масаласи, айниқса, Амударёнинг куйи минтақасида долзарб. Шу боис, яна бир ҳужжатга кўра, Қорақалпоғистонда ерни лазерли текислаш харажатлари учун субсидия ажратиш режалаштирилмоқда. Яъни пахта, бошоқли дон ва шили етиштирувчиларга лазерли текисланган ҳар бир гектар майдонга сарфланган ёқилги-мойлаш материаллари харажати 100 фоизгача қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидия берилди.

Биринчи босқичда бу Тўрткўл, Беруний ва Амударё туманларида амалга оширилади. Бундай майдонларда ҳосилдорлик ўртача 5-7 центнерга ошади ва сув сарфи 15-20 фоиз тежалди.

Академик М.Мирзаев номлидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ер майдонларидан самарали фойдаланиш режалари ҳам баён қилинди.

ЎЗА

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА
ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга хорижий шериклар билан инвестициявий ҳамкорлик бўйича эришилган келишувлар ижросининг бориши ва келгуси режалар юзасидан ҳисобот берилди.

Россия, Хитой, Қатар, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатлар билан биргаликда амалга оширилаётган кооперация лойиҳалари ва инвестиция дастурларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, 22-24 апрель кунлари Тошкент шаҳрида “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро санаят кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Россия Федерацияси билан муваффақиятли савдо-иқтисодий ҳамкорликка ёрқин мисолдир.

2023 йил якунида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб 10 миллиард долларга етди.

Ушбу кўрсаткичнинг 2030 йилга қадар икки баробарга кўпайтириш мақсад қилинган. Ўзбекистонда 3 мингдан ортиқ қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2023 йилда 700 дан зиёд янги корхона ташкил этилди. Ўтган йили Россиянинг 3 миллиард долларга яқин инвестициялари ўзлаштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 5 миллиард доллар бўлиши кутилмоқда.

Умуман, “Иннопром” доирасида 4 миллиард долларлик битимлар тўплами имзоланди.

2-3 май куни эса дунёнинг 93 та мамлакатидан 2,5 минг меҳмон иштирокида Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Унинг доирасида ўтган ишбилармонлик тадбирлари якунида умумий қиймати 26,6 миллиард долларлик инвестиция битимлари ва экспорт шартномалари имзоланди.

Улар орасида қурилиш, “яшил” энергетика, тоғ-кон санаяти, инфратузилма, озиқ-овқат, тўқимачилик санаяти ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги йирик лойиҳалар бор.

Форум натижалари бўйича хорижий ҳамкорлар билан имзоланган инвестиция ва савдо битимларини амалга ошириш борасида “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унда барча босқичлар, муддатлар ва масъуллар аниқ белгиланди. Шунингдек, форумда ҳамда Президент хузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишида хорижий инвесторлар томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббусларини жорий қилишга оид “йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари ҳисоботини тинглаб, “йўл харита”ларининг барча бандлари ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, инвесторлар билан доимий мулоқот қилиб, улар учун максимал даражада қўлай шароитлар яратиш, лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган масалаларни тизимли ҳал этиб боришни топширди.

Мутасаддиларга тўғртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарликни ҳозирдан бошлаш, иқтисодийнинг устувор тармоқларида истиқболли лойиҳалар тўпламини шакллантириш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

МАҲАЛЛАЛАРДА БАНДЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА МЕҲНАТ
МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА
ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида маҳаллаларда бандликни таъминлаш ва меҳнат миграциясини тартибли ташкил этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Бандлик ва аҳоли даромадини ошириш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Шу мақсадда кўплаб иқтисодий-ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда. Янги-янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишга кенг йўл очилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча ҳудудларда Сайхунбод таърибаси амалга ошириляпти. Мутасаддилар бу борадаги ишларнинг туман ва маҳаллалар кесимидаги ижроси юзасидан ахборот берди.

Қайд этилганидек, ҳар бир маҳаллага иқтисодий комплекс ташкилотлари раҳбарлари бириктирилган. Улар у ердаги камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, одамларнинг даромадини оширишга кўмаклашмоқда. Бунинг учун арзон кредитлар, субсидия ва имтиёзлар йўналтирилипти. Агроеконом мутахассислари

билан бирга, аҳоли томорқаларида сердаромад экинлар экиляпти.

Президентимиз ишлар ҳамма жойда ҳам бирдек ташкил қилинмаётганини кўрсатиб ўтди. Бугунги мураккаб вазиятда одамларни ишлаш ва даромадли қилишнинг ягона йўли ички имкониятларини тўла сафарбар этиш эканини таъкидлади.

Фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, юртимизга қайтганларнинг бандлигини таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан. Шу боис, Бандлик вазирилик хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти ислоқ қилинмоқда. Барча ҳудудларда “Хорижда иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилмоқда.

Етарли малакаси бўлмаган фуқаролар касб-хунарга қўшимча ўқитилади, хорижлик иш

берувчилар талабига қараб мақсадли тайёрланади. Шу асосида яқин муддатларда 150 минг киши даромади юқори мамлакатларга юборилиши мўлжалланган.

Меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Сайхунбод таърибаси асосида уларга томорқада маҳсулот етиштириш, тадбиркорлигини очига ташкилий-молиявий кўмак берилди.

Давлатимиз раҳбари фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш, бандликни таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Миграция бўйича ягона ахборот платформасини яратиб, “маҳалла еттичилиги” тизими билан интеграция қилиш, хорижда қийин вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон ташаббуслари — амалда
Янги Ўзбекистоннинг гендер сиёсати
ёруғ истиқбол сари ташланган дадил қадам

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатларнинг тараққиёт даражасига баҳо беришда гендер тенгликни таъминлашда эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, гендер тенглик ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ўлароқ жамиятни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган мезон. Шу боис, тараққиётнинг юксак чўққисини кўзлаб илгарилатган ҳар бир давлат сиёсатида бу масала ҳамisha устувор ўрин эгаллайди.



Давоми 3-бетда

Янги тизим

Шу кунларда тўртта одам йиғилган жой борки, электр энергияси ва газ нархи ошгани энг кўп муҳокама қилинган мавзулардан бирига айланди. Айниқса, ижтимоий тармоқларда бу борада турли фикр, кескин мулоҳазалар билдирилди. Масаланинг асл моҳияти юзага қалқиб бошлагач, айримларнинг ҳовури ҳам босилгани бор гап.

ТЕЖАМКОР ХОНАДОНГА
НАРХ ОШГАНИ СЕЗИЛМАЙДИ

Тан олиш керак, бу ўзгариш давлат бюджетидан ажратилган субсидия асосида оёғида тик турган, инфратузилмаси модернизация қилинишга тобора муҳтож бўлиб бораётган тармоқлар учун зарур эди. Бу ҳақда кўйида батафсил тўхталамиз. Дастлаб электр энергияси ва газ нархи ошиши белгиланган қарор моҳиятига тўхталиб ўтсак.

2024 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилги-энергетика соҳасида

бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Истеъмолчиларнинг ёқилги-энергетика ресурслари билан ишончли тарзда таъминлаш, аҳоли хонадонларида қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилишини ва энергия тежовчи технологиялар кенг жорий этилишини рағбатлантириш, ёқилги-энергетика ресурслари нархларни шаклланишини босқичма-босқич бозор тамойилларига

ўтказиш жараёнини давом эттириш белгиланди.

Шунингдек, қарорга кўра, 2024 йил 1 майдан Ўзбекистонда электр ва газ учун тарифлар оширилди, энергия истеъмоли учун ижтимоий нормалар жорий этилди. Белгиланган меъёргача электр энергияси ёки газ нисбатан арзон нархда, ушбу меъёрдан юқори бўлса, бозор нархларида сотилади.

Давоми 4-бетда

Муносабат

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ

БУ ТИЗИМНИ АДОЛАТЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, ЁШЛАРГА ВА ОТА-ОНАЛАРГА ЕТКАЗИШ ЗАРУР

Яқинда Президентимиз хузурда олий таълим йўналишларини оптималлаштириш, қабул ва малака тизимларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тақдимоти муҳокама қилинди.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Янги ўқув йили олдида олий таълимни янги босқичга кўтаришга бағишланган мазкур тақдимот таълим сифатини ошириш, квоталарни тўғри йўналтириш, грантларни тақсимлашда адолатли таъминлаш ва ёшларнинг ўз устида тинимсиз ишлаши учун истиқболли дастур бўлди.

Мамлакатимизда йилига 200 мингдан зиёд ёш диплом олиб, меҳнат бозорига кириб келмоқда. Олий маълумотли кадрлар қанча кўпайса, уларга иш ўрни яратиш шунча устувор аҳамият касб этмоқда.

Тақдимотда юксак инвестицион жозибадорлик, яратилган қулай тадбиркорлик ва бизнес муҳити эвазига йилига 3 мингдан зиёд саноат корхонаси ташкил этилиб, 146 минг янги иш ўрни яратилмоқда, бироқ 25 мингдан зиёд муҳандис ва технология эҳтиёж борлиги аниқлангани таъкидланди.

Бу йўналишда 33 та давлат олийгоҳида кадрлар тайёрланса-да, таълим сифати талаб даражасида эмас. Илғор хорижий университетларда алақачон тўхталган айрим фан ва мутахассисликлар ҳали ҳам ўқитилмоқда. Ўқув режа ва дастурларнинг қарий ярми меҳнат бозори ва халқаро стандартларга жавоб берадими.

Мазкур масалаларга ечим сифатида тақдимотда битирувчи кадрларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, мутахассислигидан келиб чиқиб иш ўринлари яратиш, квоталар ажратиш бўйича иқтисодий таҳлилларга эътибор қаратилди.

Бугунги кунда бакалавриятда 306 та йўналиш, магистратурада 625 та мутахассислик борлиги, ammo уларнинг айримлари халқаро стандартлар ва замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги, малака тавсифини такомиллаштириш ва қўшимча қиймат яратишга ургу берилди.

Таълим сифатини ошириш ислохотларида деканатларнинг ўрни бекиёс, чунки улар иқтидорли талабалар гуруҳини тузиш, фаолиятини назорат қилиш ва факультет бўйича иқтидорли талабаларни илмий даражага эга ўқитувчиларга бириктириб фаолият юритувчи тузилма. Факультетда иқтидорли талабаларни аниқлаш бўйича кафедрага тақлифлар киритиб, юқори рейтинг балига эга талабаларни иқтидорли талабалар гуруҳига ўтказишни мувофиқлаштиради.

Президентимиз деканатлар мақсад-вазифаларини янада кучайтириш, таълим жараёнларини рақамлаштириш, деканатлар ва бошқа маъмурий тузилмаларни оптималлаштиришга эътибор қаратди. Бинобарин, 2024-2025 ўқув йили бошлангунга қадар ўқув жараёнларини тўлиқ қайта кўриб чиқиб, янги тизимни жорий этиш бизнинг устувор вазифамизга айланди.

Кейинги асосий масала олий таълимга қабул қилиш тизимини янада адолатли ташкил қилиш ва давлат грантларини иқтидорли йиғит-қизларга йўналтириш, ҳозирги қабул тизими, квоталар тақсимлангани рақобатни тўлиқ таъминламаётганидир. Бу муаммага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, айрим абитуриентлар юқори балл тўпласа-да, топширган олийгоҳининг квотаси сонига қараб ўқишга киролмай қолиши мумкинлиги мисол келтирилди.

Шунингдек, тақдимотда Президентимиз бу тизимни адолатли йўлга қўйиш, ёшларга ва ота-оналарга етказиш зарурлигига эътибор қаратди.

Мухтасар айтганда, қабул квоталарини иш берувчи талабаларга мос ҳолда, улар билан келишувга эришиб, олий таълим ва ишлаб чиқариш интелектуал асосида ташкил этишимиз, шу билан бирга, нафақат миллий меҳнат бозориди, балки халқаро меҳнат бозориди рақобатлаша оладиган, касб-хунар ва юқори малака тавсифига эга ватанпарвар кадрларни тайёрлаш устувор аҳамият касб этади.

Давлат халқ учун

МОЖАРОЛИ ҲУДУДЛАРДАН ФУҚАРОЛАРНИ РЕПАТРИАЦИЯ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИ

инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг амалий ифодаси

Худоёр МЕЛИЕВ, адлия вазири ўринбосари

Бугун дунёнинг деярли барча мамлакатлари кибермақондаги терроризм билан тўқнашмоқда. Интернет радикал ғояларни тарқатиш, террорчилик ҳаракатларини молиялаш, режалаштириш ва содир этиш воситасига айланмоқда. Шундай мураккаб шароитда тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизлик таҳдидларга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.



Бундай шароитда давлатларнинг терроризм мақсадларида рақамли технологиялардан фойдаланишга қарши самарали курашиш соҳасидаги салоҳиятини ривожлантириш гоят муҳим.

БМТ маълумотларига кўра, 60 дан ортиқ давлатдан 43 мингдан зиёд инсон “Ироқ ва Шом ислом давлати” (ИШИД) ва бошқа террорчи гуруҳлар сафига қўшилиш учун Сурия ва Ироққа йўл олган. 2019 йил мазкур тузилма ҳудудий маълумиятга эришган бўлиб, улар минглаб эркак, аёл ва бола ҳамон Сурия шимоли-шарқидида гуманитар, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқи билан боғлиқ вазият оғирлигига қолаётган лагер ва қамқоқоналарда сақланмоқда.

Хорижий террорчи жангчиларнинг халқаро тинчликка таҳдидига жавобан БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан 2014 ва 2017 йилларда қабул қилинган резолюцияларга асосан, аъзо давлатлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ватанга қайтган ёки у давлатдан бу давлатга кўчиб ўтган хорижий террорчи жангчилар ва оила аъзоларини қонуний судлов йўли билан таъбиқ этиш, реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича аниқ, кенг қамровли махсус ва комплекс стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш қарорига қарор қилишга қарор қилинди. Айниқса, бу борада Ўзбекистоннинг амалий ишлари халқаро ҳамжамият эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда. Ушбу йўналишда, аввало, 2018 йилда Ўзбекистоннинг террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адошиб кириб қолган фуқароларнинг муражаатларини кўриб чиқиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адошиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиний жавобгарликдан озод этиш тартибни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2018 йил 1 ноябрдан бундай фуқароларни комиссия хулосасига асосан жиний жавобгарликдан озод этиш тартиби жорий этилди.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни бундай ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, интернет тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларида фойдаланишга қарши курашиш 2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Мазкур йўналишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишида Адлия вазирилик ҳам иштирок этди. Бунда, аввало, ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш нуқта назаридан ёндашилди. Жабр кўрган ҳар бир фуқаронинг келгусида ўз ўрнини топиши ҳамда уларга барча шароит ва имкониятларни яратиш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистоннинг можароли ҳудудлардан ўз фуқароларини репатриация ва реинтеграция қилиш бўйича “Меҳр” операциялари терроризм ва таҳдидларга қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ёрқин ифодаси сифатида халқаро ҳамжамиятга намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2019 йилдан бошланган “Меҳр 1, 2, 3, 4, 5” операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳолига тушиб, чорасиз қолган 531 нафар аёл ва бола мамлакатимизга олиб келинди. Репатриация қилинган шахслар қайтиб келган, биринчи навбатда, аёллар ва болалар реабилитациядан ўтказилди, сўнгра уларнинг оилалари ва жамоаларига тинч (қайта) интеграциялашувига кўмаклашиш бўйича аниқ чоралар кўрилди.

Бир вақтлар турмуш ўртоғи ёки отаси қистови еҳуд таъсири остида “оловли нуқталар”га бориб қолган, бугун эса давлатимиз саъй-ҳаракатлари билан ватанга қайтарилган бу инсонлар мамлакатимиз, бағрикенг халқимиз гамхўрлиги ва эътибор остида тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда. Ҳаётга янгилик кўз, янгилик ёндашув билан қарамоқда.

Мутахассислар фикрича, репатриантларни реабилитация ва реинтеграция қилиш муқаммал жараён, унга қатор соҳа вакиллари жалб этиш зарур. Шунингдек, реабилитация ва реинтеграция доимий равишда халқаро ва минтақавий тажриба алмашишни талаб қилади. Бу давлатларнинг репатриация бўйича келгуси саъй-ҳаракатлари, жумладан, жиний жавобгарликка тортилган шахслар билан боғлиқ мураккаброқ ҳолатлар инobatта олинганда жуда муҳим. Zero, тажриба алмашиш, халқаро ва минтақавий экспертлар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш ушбу йўналишдаги қадамларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мазкур ҳолатларни инobatта олган ҳолда, Президентимиз 2022 йил 3 март куни Тошкентда бўлиб ўтган юқори даражадаги “БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича кўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” халқаро конференциясида БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси етафелигида Марказий Осиё мамлакатларининг етафели мутахассислари орасида Минтақавий эксперт кенгаш тасиши этиши тақлиф қилган эди.

Кенгашнинг асосий вазифаси радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни реабилитация ва реинтеграция қилиш дастурларини такомиллаштириш ҳамда мамлакатларимизда терроризм тарбиясига қарши курашиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат. Айни шу мақсадда жорий йилнинг 14 май куни Марказий Осиё мамлакатларида амалга оширилган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш, улар ўртасида самарали минтақавий ҳамкорлики йўлга қўйиш ва миллий дастурларни такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳарбий можаро ҳудудларидан қайтган шахсларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё минтақавий экспертлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтиши кутиляпти.

Тадбирда соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва таълим соҳаларида реабилитация ва реинтеграция масалалари бўйича фуқаролик жамияти ташкилотлари ёндашувлари, Марказий Осиёда БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича кўшма ҳаракатлар режасини реабилитация бўйича кенг қамровли ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, фуқаролик жамиятининг репатриантлар реинтеграциясидаги барқарор иштирокнинг таъминлаш масалалари муҳокама қилинади.

БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида тақдим этилган ва хорижий ҳамкорлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланган мазкур ташаббус минтақавий ҳамкорликини институционаллаштиришнинг ноёб тажрибасини ифодалайди ва соҳадаги кўшма фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашади. БМТ шафарида халқаро ва минтақавий ташкилотлар иштирокида Минтақавий экспертлар кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилганда Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан эътибор билан қўллаб-қувватлаш мустақамланди.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚА БАРҚАРОРЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИСИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Москва шаҳрида кузатувчи давлат раҳбари сифатида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг юбилей мажлисида иштирок этди.

Мажлисида кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлики янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, устувор йўналишларда кўшма дастурларни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президентининг Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги мажлисида иштироки ва унда билдирган тақлифлари халқаро экспертлар қизиқишига сабаб бўлмоқда. Таҳлил доиралари вакиллари кўра, Ўзбекистон етакчиси тақлифларининг ҳаётга таъбиқ этилиши нафақат Ўзбекистон, балки ЕОИИга аъзо мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Су ЧАН, Хитой Иқтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:

— Хитойлик экспертлар Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) маконидидаги ўзгаришларни алоҳида эътибор билан кузатмоқда. Ўзбекистон Президентининг ЕОИИ юбилей саммитидаги нутқи катта қизиқиш уйғотди. Давлатингиз раҳбари Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи, биринчи навбатда, саноат маҳсулотлари етказиб бериш ҳамжи ошгани, миллий валютадаги тўловлар улуши ортгани, шунингдек, юк ташиш ҳамжи кўпайганини таъкидлади.



Ўзбекистон ижобий иқтисодий ўсиш динамикасини сақлаб қолиш, шунингдек, трансчегаравий ва халқаро савдонинг ривожлантириш бўйича ислохотларни фаол давом эттирмоқда. Савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижорат ва иқлим масалалари бўйича соҳавий лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш ўзаро савдо шартларини сезиларли даражада яхшилади.

Мингдан ортиқ кўшма корхона ташкил этилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзбекистон раҳбари саноат кооперацияси лойиҳалари ва харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

Ян ЧЖУНХУН, Сувон университетининг МДХ ва Россия ишлари бўйича тадқиқотчи-профессори (Жанубий Корея):

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон икки ва кўп томонлама ҳамкорлик кун тартибидидаги долзарб мавзулар бўйича фаол мулоқотта интилайётган прагматик давлат сифатида дунёга янги қиёфасини намойиш этмоқда.



Ўзбекистоннинг ЕОИИ юбилей саммитида кузатувчи давлат сифатида иштирок этишини Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусларини МДХ иқтисодий маконида амалга оширишнинг мантқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Давлатингиз раҳбарининг бугунги воқеалар ривожига минтақа мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш, ўзаро инвестицияларни кўпайтириш учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшиламан.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик саноат маҳсулотларини етказиб бериш, янги транспорт-логистика йўналишлари, юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижорат, “яшил” технологиялар ва экология каби муҳим йўналишларда улкан салоҳиятга эга.

Расмий Тошкентнинг “Беларусь — Россия — Қозғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” мультимодал йўналишини ривожлантириш ташаббуси алоҳида эътиборга лойик. Бу юк ташишни тез, тежамкор ва хавфсиз амалга ошириш имконини беради.

Айжан ИБИЖАНОВА, Ғарбий Қозғистон аграр-техника университетининг Иқтисодиёт ва аудит олий мактаби директори:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида ўзаро инвестициялар ҳамжиини ошириш учун шарт-шароит яратиш муҳимлигига эътибор қаратди. Мамлакатингиз раҳбари аънанавий “Иннопро” халқаро кўрғазмасининг Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари ўртасида бизнес мулоқотини ривожлантиришда самарали платформа сифатидаги аҳамиятини, шунингдек, бошқа ҳамкор мамлакатлар компанияла-

рини жалб этиш учун ушбу платформани кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси, шунингдек, ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган кўшма тадбирларнинг янги комплекс режасини ишлаб чиқишни тақлиф қилди. ЕОИИ лойиҳаларида кузатувчи давлатларнинг тўлиқ

ларимиз учун катта сиёсий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барқарор ва жадал ривожланаётган давлатдир. Таъкидлаш керакки, расмий Тошкент минтақа барқарорлиги, тараққиёти ва фаровонлигини таъминловчи асосий иштирокчи ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида минтақа давлатлари билан сиёсий мулоқот фаоллашди. Ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш мустақамланди.

иштирокни тартибга солувчи механизмни тезроқ қабул қилиш шарти билан ушбу режа самарали амалга оширилишига ишонч билдирди.

Саммитда саноат кооперацияси лойиҳалари ва ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари “Шимол — Жануб” халқаро транспорт йўлининг ривожлантириш каби бир қатор муҳим жабҳаларда ҳамкорликини кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши мажлисидаги нутқида Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорликдаги позицияси ва барча иштирокчилар манфаати йўлида кўшма ташаббусларни амалга ошириш бўйича фаол ишлашга тайёрлигини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон юклар транзити маркази сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, Евроосиё иқтисодиётининг ривожланиши минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муқаррарлигини таъкидлаш мумкин. Шу нуқта назардан, Трансафғон ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаларининг қурилиши мамлакатингизнинг Евроосиё логистика инфратузилмасидаги ролини янада оширади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕНДЕР СИЁСАТИ

ЁРУҒ ИСТИҚБОЛ САРИ ТАШЛАНГАН ДАДИЛ ҚАДАМ

Озода ПАРПИБОЕВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бегда

Мамлакатимиздаги демократик ислохотлар жараёнида гендер тенгликни таъминлашнинг қонуний ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди. Жамиятимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтириш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим олиш ва салохиятини рўёбга чиқариши учун кенг имконият яратишга қаратилган 40 дан орტიқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди.



Ҳам оила, ҳам ҳаёт чароғбони

Янги таҳрирдаги Конституциямизда хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилиги, давлат хотин-қизлар ва эркекларга давлат бошқаруви ишларини, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш белгилаб қўйилди. "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Стратегияда бошқарувда хотин-қизлар иштирокини кўпайтириш, гендер номуносабликни камайтириш, таълим олишга имконият яратиш, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва таъқиққа қарши кураш назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига аёллар ва эркеклар меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш, меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши ва бу борадаги мажбуриятлар бажарилиши кафолатланди. Хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масаласида ҳам тенг муносабатда бўлиш бўйича нормалар киритилди. Шунингдек, 2023 йилда қонунийликка келтирилган оид зўравонликнинг олдинчи олиш мақсадида оилавий (маиший) зўравонлик, шикмлик ҳамда шахснинг шайни ва қадр-қимматини камситуви ҳамда инсон ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш бўйича алоҳида моддалар киритилди. Қонунийлик билан аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўланиши тақиқланган меҳнат шартини ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилинди. Оила кодексига нисбатан аёллар ва эркеклар учун 18 ёш эtib белгилангани тўғрисида норма киритилди.

Президентимиз бу йўналишдаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталар экан,



"Хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажакимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва сadoқат тисмоли, хонадонларимиз фарришаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнга яхшилик бўлиб қайтади", деганди.

Тизимли ислохотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етди. Барча давлат органлари ва ташкилотлари, устан капиталда давлат улуши 50 фоиз ва андан ортиқ бўлган ҳамда уларнинг тизимдаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан

тайинлаш тизими жорий этилди. Бошқарув ходимлари орасида хотин-қизлар улушини 2030 йилгача 30 фоизга етказиш талаби давлат корхоналарининг ижро органлари, шу жумладан, директорлар ва кузатув кенгашиларининг таркибин шакллантиришда ҳам татбиқ этилиши белгиланди. Ўз навбатида, бу ютуқлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Жаҳон банки "Аёллар, бизнес ва қонун" индексининг 2024 йилда эълон қилинган ҳисоботида 190 давлат орасида мамлакатимизда меҳнат муносабатлари ва оиладаги зўравонликка қарши кураш соҳасидаги ислохотлар муваффақиятли деб топилди. Ўзбекистон бу борада яхши натижага эришгани эътироф этилди. Шунингдек, индексда гендер тенглик борасида энг тез ривожланаётган 5 мамлакат қаторида қайд этилган. 2023 йилда Ўзбекистон Очик гендер маълумотлар индексиде 69,7 балл тўплаган ҳолда жаҳондаги энг яхши 20 мамлакат сафидан жой олди.

БМТнинг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан 2023 йилда шакллантирилган SDG индекс ҳисоботида кўра, 166 мамлакат орасида 71,1 индекс билан Ўзбекистоннинг рейтингидеги мақоми 8 поғона кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади. "Open Data Watch" ташкилотининг "Gender Data Compass" рейтингиде эса 37 балл тўплаган ҳолда 185 мамлакат орасида 56-ўринга лойиқ кўрилди. Бу кўрсаткич ва натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Буларнинг барчаси юртимизда инсон манфаатларини барча нарсадан устун қўйиб, ўзоқни кўзга олиб борилаётган ислохотлар мақсулидир.



Маърифатли она — юрт иқболи

Буюк давлат арбоби Индира Ганди "Бир қизни ўқитсангиз, бутун миллатни, бутун жамиятни, бутун оилани ўқитган бўлар эдингиз", деганида ҳақ гапни айтган эди. Зеро, ораимизда ўқимишли, зиёли, зукко қизларимиз қанча кўп бўлса, келажакда улар вояга етказадиган фарзандлар шунча билимли, кенг дунёқарашга эга ва юксак салоҳиятли шахс бўлиб вояга етади. Шу боис, бугунги давр қанчалик мураккаб ва оғир бўлмасин, давлатимиз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантирмоқда, хотин-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шариот яратмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-хунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар қамоли учун, шу асосда бутун жамият раванга учун хизмат қилади.

Шу мақсадда 2020 йилдан бошлаб эҳтиёжман оилалар фарзанди бўлган хотин-қизларнинг давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш тизими жорий этилди. 2021 йилдан эса маъруза грант ўринлари сони икки баробар оширилиб, 2 мингга етказилди. Натижада 2020-2023 йилларда 7 мингта яқин хотин-қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. 2022 йилдан бошлаб давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўлови қоплаб берилиши ва бунинг учун давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. 2022/2023 ўқув йилида магистратурада ўқиётган 14 минг 300 дан зиёд талаба қизининг 190 миллиард сўмдан ортиқ контракт пули тўлаб берилди.

Мутахассислик бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қиз ҳар йили олий таълим муассасаларига умумий квотадан ташқари, алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ ўқишга қабул қилиш тизими жорий этилди. Натижада 2022-2023 йилларда мингта яқин хотин-қиз тўлов-контракт асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, сиртки ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизлар контрактларини тўлаш учун 7 йилга фозисиз кредит бериш тизими жорий этилди. Ушбу тизим доирасида 181 минг 500 дан зиёд хотин-қизга 2 триллион 135 миллиард сўмдан ортиқ таълим кредити ажратилди. 2021 йилдан бошлаб эса муҳтож ёлғиз аёллар ва боқувчисини йўқот-

ган қизларнинг олий таълимдаги контракт тўловини маҳаллий ҳокимликлар томонидан қоплаб бериш тизими жорий этилди. Натижада 2021-2023 йиллар давомида шундай вазиёдаги 6 мингта яқин талаба хотин-қизнинг контракт тўлови қоплаб берилди.

Шу тарзда хотин-қизлар таълимига эътибор йил сайин кучаймоқда. Натижада хотин-қизлар ўртасида амалий ва аниқ фанларга қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабаларнинг STEAM таълим йўналишлари бўйича кўрсаткичи тахлилига кўра, физика йўналишида ўқиётган талабаларнинг 64 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Шунингдек, математика (60 фоиз), хизмат кўрсатиш (34 фоиз), кишлоқ хўжалиги (36 фоиз), ишлаб чиқариш ва ишлов бериш (32 фоиз) каби йўналишлар бўйича ҳам ўсиш кузатилади. Бу рақамлар қизларимизнинг таълим ва илм-фанга интилиши кучайиб бораётганидан далолат.

Қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида докторантура йўналишида ҳам хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилмоқда. Шу кунга қадар 890 хотин-қиз фан доктори ва 4475 нафари фалсафа доктори илмий даражасини кўлга киритди. "Бир миллион дастури" лойиҳаси доирасида ўқиган ёшларнинг 47 фоизи қизлардир.

Албатта, бу рақамлар ортида ўн минглаб оқил қизларимиз, оилага таянч, жамиятга сунъиқ бўлаётган мўътабар опа-сингилларимиз тақдирини туртиди. Улар бу имкониятдан фойдаланиб, оиласида фаровонликни таъминлаш борабариде жамиятдаги ўринини ҳам мустаҳкамламоқда. Хотин-қизларнинг бундай салмоқли қадами эса жамият раванга ва юртимиз тараққиётининг янги босқичига пойдевор бўлаётир.

Маҳаллабай ишлаш самараси

Касб ва тадбиркорлик қўнималарига ўргатиш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш ишларини энг қўйи бўғинда тизимли ташкил этиш учун 1600 дан ортиқ маҳаллада марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Марказларда битта лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ишга жойлاندирган ҳар бир ишчи хотин-қиз учун тадбиркорлик субъектларига 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратиб келинмоқда. Биргина 2023 йилда маъруза йўналишида намунали деб топилган 35 маҳаллада марказлар фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектларига жами 1 миллиард 689 миллион сўм давлат гранти маблағи ажратилди.

Олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда камида 20 нафар эҳтиёжман хотин-қизни касаначилик асосида иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳар йили қиймати 50 миллион (ҳар бирининг) сўмлик лойиҳалар танлови ўтказиб келинмоқда. Шу каби ишлар самараси ўлароқ, сўнгги 5 йилда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳасига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия ажратилди. 200 мингта яқин аёл касб-хунар ва

тадбиркорликка ўқитилди. 400 мингдан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди.

Аёл-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги яна бир муҳим жиҳат — уй-жой билан таъминлаш масаласи. Хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредити ҳисобидан 25 мингдан зиёд оила ўз уйига эга бўлди. 6200 аёлга уй-жой шартини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун 200 миллиард сўм субсидия ажратилди. Бу имконият аёлларнинг ҳаётини янада фойдали қилишда муҳим омилдир. Зеро, бир аёлнинг уйли бўлиши бир оила обод бўлганини, унинг бағрида вояга етётган фарзандлар учун зарур шариот яратилганини англатади. Табиийки, бу оила устуни — эркекларнинг оиласи, фарзандлари тақдириндан хотиржам бўлиб, ўз соҳасида самарали ишлаш учун ҳам катта қўламли яратди.

Юртимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёллар манфаатини ҳимоялаш борасида эришилаётган натижалар — катта ютуғимиз. Бу жабҳадаги ишларимиз нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътирофига сазовор бўлаётир. Натижада жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимиздаги ислохотларга қизиқиши ортиб бормоқда. Кейинги йилларда юртимизда халқаро аҳамиятга молик йирик анжуманлар ташкил этилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Шу йил 13-14 май кунлари Самарқанда бўлиб ўтадиган нуфузли халқаро анжуман — "Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув" мавзусидаги биринчи Осиё хотин-қизлари форуми ҳам шундай тадбирлардан.

Ушбу нуфузли халқаро анжумани ташкил этиш ташаббус БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Президентимиз томонидан илгари сурилган эди. Бу ташаббуснинг БМТ ва минтақа давлатлари томонидан кенг қўллаб-қувватлангани Ўзбекистондаги инсон манфаатларига йўналтирилган ислохотларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Икки кун давом этадиган форумда хотин-қизларнинг фан, таълим ва инновацион фаолиятдаги иштироки ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиши, ҳозирги глобал иқтисодиётда аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш орқали камбағалликни камайтириш, тадбиркорлик, етакчилик ва инновационларга жалб этиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади. Узаро тажриба ҳамда фикр алмашилади. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда хотин-қизларнинг иштироки кўриб чиқилади.

Мамлакатимизда оила, аёллар ва болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган дастур ва лойиҳалар давлатимиз раҳбарининг "Миллий сиёсатимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад — оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва оёйишта ҳаётини таъминлашдан иборат" деган сўзларининг амалий натижаси, яққол исботи бўлаётгани кўрүнорли.

Жамиятда гендер тенгликка эришиш борасидаги ана шундай хайрли ишлар, халқаро алоқалар халқимизнинг демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзу ниётларини рўёбга чиқариш, юртимиз тараққиётини янада юксалтиришда муҳим замин бўлади.



Янгича тизим

ТЕЖАМКОР ХОНАДОНГА НАРХ ОШГАНИ СЕЗИЛМАЙДИ

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Аҳоли истеъмолчилари учун электр энергиясида ойига 200 кВт/соатгача, газ бўйича мартдан октябргача, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида эса мартдан сентябргача 100 куб метргача миқдор ижтимоий норма этиб белгиланди. Шунингдек, газ бўйича иситиш мавсумида ноябрдан февралгача, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида эса октябрь-февраль оралиғида 500 куб метргача миқдор ижтимоий нормани ўз ичига олади. Шунда аҳоли учун 1 кВт/соат электр энергияси нархи 295 сўмдан 450 сўмга, 1 куб метр газ 380 сўмдан 650 сўмга ошди. Ижтимоий нормадан ортигининг нархи истеъмол ҳажмига қараб тарифлар бўйича ошиб бораверади.



ЭҲТИЁЖМАНДЛАРГА ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотига кўра, газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши муносабати билан 1,5 миллионга яқин муҳтож оилга ёрдам кўрсатилади. Дастлаб камбағаллик чегарасини аниқлаш учун фойдаланиладиган минимал истеъмол харажатлари янгилади. 1 миллионга яқин фуқаро учун энг кам пенсия ва нафақа миқдорлари оширилади.

Шунингдек, иситиш мавсумида ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланган оилаларга қўшимча

270 минг сўм миқдорига бир марталик компенсация ажратилади. Бу орқали кам таъминланган қарийб 1,5 миллионга яқин оиланинг ижтимоий ҳимояси яхшиланади. Ушбу компенсация “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида реестрга киритилмаган яна 200 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилга ҳам ўтлаб берилади.

Иситиш мавсумида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг электр ва газ бўйича ижтимоий меъёрдан ошган харажатлари қисман қоплаб берилиши ҳам кўзда тутилган.

УЗОҚ ВАҚТ ЎЗГАРМАГАН НАРХ

Хўш, бу ўзгаришларга зарурат бормиди? Албатта, бор эди. Сабоби, Ўзбекистонда газ ва электр энергияси нархи охириги мартга 2019 йил август ойида ошганди. Узоқ вақт ўзгаришсиз қолган нархга аҳоли кўнгли ва энди кескин ошгандек туюлиши табиий. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги тарифлари ва ҳақиқий таннарх ўртадаги тафовитни қоплаш учун давлат томонидан субсидиялар ажратиб келинади. Кўриниб турибдики, эски тарифлар ҳақиқий таннархни қопламайди ва бу соҳалар субсидиялар эвазига фаолият юритиб келмоқда.

Аслида, давлат бюджетидан бу соҳаларга субсидиялар янги ишлаб чиқариш ва узатиш қувватларини яратиб учун берилади. Бундан ташқари янги ишлаб чиқариш ва узатиш энергиясини ишлаб чиқариш кўпаймайди, узатишлар сони ва муддати кундан кунга ортиб бораверади.

Янги белгиланган нархлар эвазига истеъмол ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги тафовит

босқичма-босқич бартаф этилади ҳамда келгусида асосий эътибор тизим инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилади. Ана шунда давлат бюджетидан субсидия ажратилишига ҳам ҳолат қолмайди. Албатта, бунга аста-секин бўлса-да, эришилади.

Шу вақтгача электр энергияси учун белгиланган 295 сўмлик тариф билан Ўзбекистон 230 та давлат ичида энг нархи паст тарифли 15 та давлат қаторига кирарди. Хондон ҳам пастроқ тарифлар Бутан, Ироқ, Сурия, Судан, Ливия, Эфиопия каби давлатларда бор.

Мисол учун, кўшни Қозғистонда ўртача 300 кВт/соат электр энергиясини ишлаш учун хонадон 1 кВт/соат учун ўртача 790 сўм тўлайди, яъни биздагидан икки баробар қimmat. Мавсумотларга кўра, Саудия Арабистонида хонадонлар учун электр энергияси тарифи истеъмол даражасига қараб ўзгариб боради. Аҳолининг истеъмол даражаси ошгани сайин электр энергияси тарифлари ҳам ошиб бориши тизими жорий қилинган.

ҲОЙДА ҲАМ, ЗИЁН ҲАМ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Тизимда “ақли ҳисоблагич”лар жорий этилиши аҳолининг газ ва электр энергияси сарфи ва тўловидидаги мавжуд муаммоларга баҳам бериши. Айниқса, қарздорлик энг оғриқли масалалардан эди. Газ ёки электр тармоқлари идораларида сарсон бўлиб, тўловлардаги фарқ ёки қарздорлик бўйича мутасаддилар билан зиддиятларга бориб юрган вақтларимиз ортада қолди. Энди эса қарздоримиз, “ақли ҳисоблагич” хонадонингизни тармоқдан узади.

Ҳар бир хонадонда ушбу манбалардан фойдаланганда тежамкорликка эътибор қаратиш муҳим. Тўғриси, айрим ҳовли ёки хонадонларда кундузи зарурат бўлмаганда ҳам

чироқ ёки бошқа ускуналар ёниқ ҳолда қолдирилганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Тежамкор хонадонга нарх ошгани унчалик ҳам сезилмайди. Аввал ортиқча сарфларга йўл қўйган фуқаролар эса энди бу масалага масъулиятли бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда, чўнтакка зиён.

— Аввалги техника воситалари билан ҳозирги ускуналар энергия сарфи бўйича фарқ қилади, яъни анча тежамкор. Мисол учун, тежамкор бир донна чиқоқнинг сарф қуввати 10, телевизорники 2,5, совиткички 3 баробар камайган, лекин бир хонадоннинг ойлик истеъмоли ўртача 2,2 баробар ортган. Навоий вилоятида 263 минг 693



аҳолига жорий йилнинг апрель ойида 517 минг 753 кВт/соат, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26 минг 283 кВт/соат кўп электр энергияси етказиб берилган. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, ойига 1000 кВт/соат, 5000 кВт/соат ва ҳатто ундан ортиқ истеъмол

қиладиган хонадонлар ҳам талайгина. “Бунинг асосий сабаби истеъмол маданиятининг йўқлиги, беҳуда ва ортиқча сарфга йўл қўйилишидир”, дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий худудий филиали раҳбари Бобур Исломов.

ТАЛАБ КУНДАН КУНГА ОШМОҚДА

Бугунги кунда газ ва электр энергиясига эҳтиёж тобора ортиб бораёттир. Аҳоли сони ошиши, турли соҳалардаги янги лойиҳалар, тадбиркорлик ривожланиши, йирик қувватли корхоналар ишга тушиши ва ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириши бу ресурсларга талабни янада кўпайтирмоқда.

Биргина электр энергиясида аҳоли истеъмоли ўсишини Навоий вилояти бўйича таҳлил қилганда бўлса, 2014 йил давомида вилоятдаги 141 минг 860 аҳоли 185 миллион кВт/соат электр энергияси истеъмол қилиб, бир хонадонга ўртача 108 кВт/соат тўғри келган.

2023 йилда эса 263 минг 962 аҳоли 456 миллион кВт/соат электр энергияси истеъмол қилиб, ҳар бир аҳоли хонадонига ўртача 165 кВт/соатдан



тўғри келган. Бундан кўриниб турибдики, йилдан йилга аҳолининг электр энергия сарфи ортиб бормоқда.

Газ ва электр энергияси тармоқлари иқтисодий ривож, ҳаёт сифатини таъминлайдиган асосий манбалар бўлгани боис, доимий ислохотларга зарурат бор. Нархлар ошиши ҳам айнан ушбу ислохотларнинг бир қисмидир.

Муқобил энергиядан фойдаланиш, яъни хонадонларга қуёш панеллари ўрнатиш электр энергиясини тежашда энг мақбул ечимлардан биридир. Қуёш панеллари орқали электр қуввати ишлаб чиқарилганда атроф-муҳитга ҳеч қандай зарарли газлар чиқмайди. Энг асосийси, қуёш панеллари хонадон эгасини тўловлардан озод қилиб, хонадоннинг узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Муқобил энергиядан фойдаланиш аҳоли учун ҳар томонлама фойдали. Жумладан, Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларини жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, қуёш панеллари ёрдамида хонадонини электр энергияси билан таъминлаган жисмоний шахслар 3 йил, тадбиркорлик субъектлари эса 10 йил давомида ер ва мулк солиғидан озод этилади. Ўз навбати-

ҚУЁШЛИ ХОНАДОН

да, жисмоний шахслар қуёш панелларини 3 йил муддатга фозисиз, бўлиб тўлаш шарт билан сотиб олиши, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлардан фойдаланиши мумкин. Бунда 5 кВт/соат бўлган қисмига бўлиб тўлаш имтиёзлари берилади.

Бундан ташқари, фуқаролар ўз хонадонларига ўрнатиладиган қуёш панелларидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ортигини давлатга сотиб, даромад ҳам қилиши мумкин.



Юртимиз энергетика тизими ислохотларнинг янги босқичига кирди. Газ ва электр энергияси нархлари ошиши эса ушбу тармоқлар узлуксиз ишлаши, инфратузилма янада яхшиланишига хизмат

қилади. Муҳими, аҳоли ҳам ўз ўрнида истеъмол маданиятига қатъий амал қилиб, беҳуда ва ортиқча сарфларга йўл қўймас, ушбу тармоқларнинг узлуксиз ва барқарор ишлашига, соҳалардаги мавжуд муаммолар бартаф этилишига ҳисса қўшган бўлади.

Бугуннинг гапи



Қишлоқ хўжалиги, хусусан, унинг муҳим тармоғи бўлган пахтачиликда аҳамиятга молик ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга, соҳада ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири сугориш мавсумида сув етишмаслиғидир.

Бу ҳолат мамлакатимизда асримиз аввалдан созила ботилган эди. Бундай шароитда деҳқонларимиз меҳнати, бой тажрибаси билан ҳамда илм-фан ютуқларига таяниб, табиат инжиқликларини енгиши даркор. Бинобарин, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида сув ишлаши самардорлигини 25 фоиз ошириш, қишлоқ хўжалиги эканларини сугоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ернинг умумий майдонини 2 миллион гектарга етказиш, тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ўтказиш каби вазифалар белгилангани бежиз эмас.

Илмий тадқиқотларга кўра, гўза нави, тупроқ ва иқлим шароитига нисбатан ўсимликда бир грамм куруқ модда тўпланиши учун 400-800 грамм сув сарфланади. Бир гектар гўза 1-2 чинбарг чиқарганда бир кеча-кундузда 10-12 куб метр, шоналаш ва ҳосил тутиш даврида 80-90, ҳатто 100-120 куб метр, кўсақлар очилиши пайтида эса ўртача 30-40 куб метр сувни бугулатади. Шу боис, сугориладиган

ҳар бир пайкалда сугориш муддати ва меъёрини худуднинг сув билан таъминлангани, тупроқ хусусияти ҳамда сизот сув чуқурлиги, минераллашувини қатъий ҳисобга олиш лозим. Чунки ўсимлик тупроқдаги сув билан ўзига керакли макро ва микроэлементларини ўзлаштиради. Фотосинтез жараёни ҳам айнан обихаёт орқали кечади. Бу шартлар гўзанинг меъёрида ўсиши, эртаки ва мўл ҳосил тўпланишини таъминлайди.

Тажрибали сувчилар биринчи сугоришни кўпинча гўза барги тўқ яшил тусга киришга қараб бошлайди. Илмий-тадқиқот институтилари тавсияси асосида иш юритилганда эса гўзани биринчи сугориш муддати тупроқнинг намлик даражасига қараб аниқланади.

Вегетация даврида гўзани керагидан ортиқча сугориш зарарли. Ваҳоланки, бу айрим фермер хўжаликларидан кузатиладиган ҳолат. Натижада ортиқча сув ичган гўза ҳосил тутишчанларини тўқиб юборади ва гўзайи бошлайди, сақланиб қолган кўсақлар эса кеч очилади. Демак, ҳосилдорликни ошириш

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

ҲАР БИР СОҲА ТАЛАБ ЭТАЁТГАН ЖАРАЁН



учун гўзани маромда сугориш, чанқатиб қўймалик ёки керагидан ортиқча сугормаслик зарур.

Сугориш муддати энгил тупроқда гўза гуллашига 12-14 соат, ўрта ва оғир тупроқда 14-16, гуллаш даврида эса шунга мос равишда 16-18 ва 18-20 соатдан ошмаслиги лозим. Бир гектар гўзани сугоришда сарфланадиган умумий сув миқдори ёки мавсум нормаси

ўсимлик кўқариб чиққанидан шоналашгача 6-10 фоиз, шоналашдан гуллашгача 12-16 фоиз, гуллашдан етилгунгача 50-60 фоиз ва етилиш даврида 16-20 фоизни ташкил этади.

Ҳар бир сугоришдан кейин гўза қатор ораси тупроқ етилиши билан кесак ҳосил бўлмай, майин культивация қилиниши керак. Бу тупроқда тўпланган намликни узоқроқ сақлашга олиб келади. Қолаверса, эгитлар

қисқалиги экин майдонининг бир текис намланиши ва сув тежамкорлигига яхши таъсир қилади.

Шунингдек, сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва энгил қумоқ тупроқда гўза қатор ораси 60 сантиметр майдонда эгитлар узунлиги 60-70 метрдан, сувни суст шимадиган, оғир тупроқли ерда эса 70-90 метр, қатор ораси 90 сантиметр бўлган майдонларда эса тегишли равишда 80-90 ва 90-100 метрдан ошмаслиги керак. Қия, ирригация эрозияси рўй берадиган ҳудудларда эгитлар узунлиги 50-60 метр бўлса, етарли.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сув ресурсларининг аксарият қисми кўшни мамлакатларда шаклланади. Шу боис, истеъмол қилинаётган ҳар бир куб метр сувдан самарали фойдаланиш шарт. Хорижда, масалан, Испанияда бир гектар майдонда пахта етиштириш учун 4-5 минг куб метр сув ишлатилади. Ўзбекистонда эса бу миқдор 6-7 минг, ҳатто 12 минг куб метрни ташкил этаётган ҳолатлар мавжуд. Бунда оқова сувнинг канал, тўғон ва сугориш тизимлари орқали далага етиб боргунча бугулаши ҳам ҳисобга олинган.

Испанияда сув пахта далага махсус омборлардан труба орқали келтирилади.

Исроилда эса сув резервуарларидан шланг орқали гўзани томчилатиб сугориш учун етказиб берилади. Бу мамлакатларда гўзани сугориш учун сув лимит билан тарқатилади. Бир гектар гўзани сугориш учун 4-5 минг куб метр сув ажратилади. Қайси фермер бундан кўп сарфласа, ўз хисобидан пул тўлайди. Бу тажрибани бизнинг шароитимизда ҳам қўллаб кўрсак бўлади. Бунда сув таъминоти кам бўлган Гузор, Жарқўрган туманлари ҳамда Фарғона вилоятидаги айрим ҳудудлар ерини тажриба қилиш мумкин.

Мамлакатимизда келгуси олти йилда мелiorация объектлари куриш ва реконструкция қилиш натижасида сугориладиган ерда шўрланган майдонни 1,7 миллион гектарга камайтириш, ирригация тизимини модернизация қилиш ҳамда бетон қопламали каналлар улушини 46 фонизгача ёки 13,2 минг километрга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, кучли ва ўрта шўрланган сугориладиган майдонни 430 минг гектаргача, ер ости сув таъминоти кам бўлган 773,4 минг гектаргача камайтириш, камида 100 та йирик сув хўжалиги объектларини автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказиш режалаштирилган.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими,

Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи



Мансурбек ЖАББОРОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Баҳорнинг сўнгги оғи бошланди. Кунлар исияпти. Табиийки, бундай ҳавода одам чанқайди, ичимлик билан чанқоғини босишга ҳаракат қилади. Курсдошлар билан университет яқинидаги дўконга сув олишга кирдик. 2-3 яшар болакайнинг "Кувват беяди!" деган гапи қулоғимга чалинди. Болакай онасининг ҳайрон қараб турганини кўриб, "Ойижон, менга ҳам шундан олиб бейинг, менам кучли бўламан", дея чуғурлади ўз тилида. Онаси эртага олиб беришини айтиб, болани юпатганча дўкондан чиқиб кетди. Бу пайтда дўкондаги телевизорда энергетик ичимликлар рекламаси кўйилаётган эди. "Ана сизга рекламанинг кучи", деб кўйдим ичимда. "Кучга тўл, кувватга бой бўл, тетиклаш!" каби ундову таъкидлар билан қайта-қайта реклама қилинаётган бу маҳсулот менинг ҳам эътиборимни тортди.

Бугун асарият ёшларнинг қўлидан энергетик ичимлик тушмайди. Мактаб ўқувчиларидан тортиб, ишдан чарчаган, кам ухлаган, шунчаки чанқанганин ҳам қўлида шу ичимлик. Дўконларда оддий сув, шарабат ёки газли ичимликдан кўра энергетик ичимликларнинг бозори қаққон, турли-туманидан ташлаб ташланган. Мутахассислар ушбу турдаги маҳсулотларнинг инсон саломатлигига яхшигина салбий таъсири борлигидан огоҳлантирмоқда. Қатор давлатларда бундай ичимликча чеклов, тақиқлар қўйилган. Шунга қарамай, маълумотларга кўра, энергетик ичимликлар бозори йилга 13-15 фоиз кенгайиб бормоқда. Асосий истеъмолчилар 18-35 ёшлилар. Баъзи мамлакатларда эса ҳатто 12 ёшдан энергетик ичимликлар истеъмол қила бошлашади.

16 ёшли боланинг ўлимига сабаб бўлган

"Кувватбахш" ичимликлар илк бор 1960 йилда Японияда дори сифатида яратилган. Кейинчалик Европа ва АҚШда бизнесменлар ушбу маҳсулотни оммалаштириш учун таркибига бир қанча кимёвий моддалар қўшган. 2014 йилга келиб, ЖССТ ўсмирлар ўртасида энергетик ичимликлар кўп истеъмол қилинаётгани юзасидан хавотирли баёнотларини эълон қила бошлади. 2017 йили эса АҚШда 16 ёшли ўсмирнинг ўлимига кўп миқдорда энергетик ичимлик истеъмоли сабаб бўлгани маълум қилинди. Жаҳон шифокор ва диетологлари "куват беради", дея илҳом қилинган бундай ичимликларнинг нафақат бола ёки ўсмир, ҳар қандай организм учун ўта зарарли, ҳатто ҳалокатли эканини қатъий таъкидламоқда. Шунга қарамай, нафақат юртимиз, балки бутун дунёда бундай энгайзерларга талаб тобора ошяпти. Талаб бор жойда эса, албатта, тақлиф бўлади. Хўш энергетик ичимликлар нима ўзи? Улар ростида ҳам қувватбахши, таркиби нималардан иборатки, бунчалик ваҳимага сабаб бўлса?! Энергетик ичимликлар таркибидан кўп миқдордаги кофеин юрак ва қон томирларда жиддий муаммолар келтириб чиқаради, ғайритабиий юрак ритми, юрак уриш тезлиги, артериал қон босимининг ошишига сабаб бўлади, — дейди олий тонали шифокор Насиба Иброҳимова. — Кофеин ҳар қандай энергетик ичимликнинг кучли таъсирига эга таркибий қисми. У организмни энергия сарфлашга сафарбар қилувчи психотроплар, ўрганиб қолишга олиб келувчи моддалар қаторига кирилади. Этанол билан кофеинли ичимликлар истеъмоли суяқлик ҳайдаш кўрсаткичини икки баробар оширади. Бу эса буйракнинг зўриқиши, вақт ўтиши билан буйрак етишмовчилигига олиб келади. Хотиранинг сустлашиши ва интеллектуал фаоллигининг пасайиши кузатилади. Аста-секин бу белгилар кучайиб боради. Кофеин ошқозон шираси ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, ошқозон-ичак фаоллигида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Энергетик ичимликлар тар-

калта бўлса, юрак уришида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу эса ҳаёт учун хавфли бўлган аритмияга олиб келиши мумкин", дея таъкидламоқда олимлар. — Энергетик ичимликлар таъсири ҳақида гап кетганда плацебо эффектини ёддан чиқармаслик зарур, — дейди психолог Гулнора Эролова. — Сабаби, ичимлик рекламаси таъсирида ичган инсон ўзини максимал даражада тетиклангандай ҳис қилади. Чунки рекламада айнан шу жиҳатга ургу берилди. Оқибатда фақат шуну ичсам, кувват оламан, деган фикр пайдо бўлади ва ичимликка доимий қарамлик келиб чиқади. Ичганда эса онг остида "Бўлди, ҳаммаси жойига тушди, мен тинчландим, ҳолатим яхшиланди" деган алдамчи хотиржамлик уйғонади. Ваҳоланки, аслида, ундай бўлмайди. Айниқса, бундай ичимликларга ўрганиб қолиш натижасида ўсмирлар кўпалаб асаб касалликларига чалиниши мумкин.



кибий қисми бўлган аксар моддаларнинг организмда тўпланишидан саратон ўсмаси ривожланишига сабаб бўлиши эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, ушбу ичимликлар диабет ривожланишига, семизлик, талваса, тўсатдан ўлим каби хавфларга сабаб бўлиши мумкин.

Мутахассислар ваҳимаси қанчалик ўрилли?

Америкалик тадқиқотчилар энергетик ичимликлар юракдаги QT интервали (юракнинг электрик систоласини) ўртача 2 сонда 10 миллисонияга оширади, деган хулосага келди. "Агар миллисонияларда ўлчанадиган ушбу вақт оралиғи ҳаддан ташқари узун ёки

нинг минимал ёши 18 ёш эди. Қонунчиликка киритилган ўзгаришларга биноан энди 20 ёш деб белгиланган кутулмоқда. Қўшни Қирғизистонда мамлакат ҳудудига энергетик ичимликлар олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқловчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатларнинг айтишича, табиий амалиётда энергетик ичимликлар ичши натижасида юрак хасталиги ҳолатларига кўп гувоҳ бўлинган. Улар ҳозир қандали диабет билан касалланган болалар ҳам кўп, деган фикрда ва шу боис, лойиҳани биринчилардан бўлиб маъқуллаган.

Юртимизда ҳам бу борада қонуний чекловлар амалда. Унга кўра, энергетик ичимликларни 18 ёшга тўлмаганларга сотиш ман этилади. Шунингдек, бундай маҳсулотларни соат 7:00 дан 22:00 га қадар реклама қилиш тақиқланган. Шунга қарамай, маҳсулотлар рекламасига чеклов қўйилмаган.

Усти ялтироқ, оқибати қалтироқ

Болалар ва ўсмирлар учун кофеин истеъмолини ҳафтада 60 миллиграмдан оширмастик кераклиги таъкидланади. Битта энергетик ичимлик таркибиде эса ўртача 30 миллиграмм кофеин мавжуд. Ичимлик қадогиде 18 ёшга тўлмаганларга ичши мумкин эмаслиги ёзилган бўлса-да, энгайзерлар рекламаси айнан шу ёшдаги болаларни ўзига қорлаши шубҳасиз. Чунки айнан ўсмирликда тушунлиқ, қувватсизлик, ўзига ишонсизлик каби ҳолатлар кўпроқ кузатилади. Шу боис, "куватбахш", "энергия", "тетиклик" ваъда қилаётган ичимлик обихаёт бўлиб кўриниши табиий. Бундай ичимликлар рекламасини экранларда намоиш этишни тўхтатиши ва савдо шохобчаларида кўзга ташланмайдиган расталарга қўйиш орқали кўп фожиянинг олдини олиш мумкин. Фарзандларимиз куч-қувватни кимёвий модда билан бойитилган ичимликдан эмас, табиий маҳсулотлардан олсин. Қолаверса, спорт билан мунтазам шугулланиш ҳам одамни анча тетиклантиради, қўшимча кувват беради. Эрталабки бадантарбия эса кун бўйи яхши кайфият бағишлайди. Саломатлик — бебаҳо бойлик. Бу бойликни асраб-авайлаш эса ўз қўлимизда.

Бундай маҳсулотлар соғувида тақиқ мавжуд

Ҳозир дунёнинг қатор давлатларида бундай маҳсулотлар соғувида чеклов ўрнатилган. Масалан, асарият мамлакатларида 18 ёшга тўлмаганларга энергетик ичимлик сотиш ман қилинган. Дания, Туркия, Норвегия, Исландия ва АҚШнинг айрим штатларида улар савдоси бутунлай тақиқланган. БААда бу ичимлик истеъмол қилувчи-

катъиян тақиқланди. Жорий йилнинг 1 февралидан "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Ўқув жараёнида педагогика фанини ривожлантиришнинг тарихий асослари, замонавий эҳтиёж ва истиқбол стратегиялари, шунингдек, таълим-тарбия уйғунлигини таъминлаш муҳим вазифалардан. Шу боис, мамлакатимизда педагогика фанини ривожлантириш тарбия ва ўқитиш усуллари, инновацион таълим ресурслари, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, иқтисодийнинг ҳудудлардаги реал секторига чуқур касбий билим ва кўникмаларни эгаллаган ходимларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Педагогика фани тараққиётининг замонавий йўналиши ва натижаларини таҳлил қилар эканмиз, унинг мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини кўриши мумкин. Бугун мактаб ўқувчилари ўртасида функционал саводхонликни шакллантириш учун ўқитувчининг тайёргарлиги ниҳоятда зарур. Рақобатга бой замонавий таълим муҳитида инсон ресурслари сифати кўп жиҳатдан жамият рақобатбардошлигини белгилайди. XXI асрнинг биринчи чорагида таълимнинг рақамли трансформациясини таъминлаш, рақамли технологиялар интеграциясига эришиш, масофавий ўқитиш ва онлайн платформаларни интенсив яратиш, таълимни индивидуallashtirish ва виртуал реаллик асосида билим бериш имкониятини кенгайтиришга эҳтиёж катта. Глобал ривожланиш билан бирга педагогика фанини ўқитиш сифатини оширишда ментал соғлиқни сақлаш, стрессини бошқариш ва тартибга солиш, ўзини рефлекциялаш ва бошқариш қобилиятини ривожлантириб бориш ҳамда психологик ҳолатини соғломлаштиришга дидактик ёндашув муҳим.

Шу боис, кўп маданиятлик шароитида толерантлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ўқитиш жараёнига маданий хилма-хилликни интеграциялаш, халқаро ҳамкорлик ва таъриб алмаштириш, таълим парадигмаларини ўзгарувчан дунёга мослаштириш бўйича илмий тадқиқотлар сони ҳамда сифати ошди.

Шу боис, кўп маданиятлик шароитида толерантлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ўқитиш жараёнига маданий хилма-хилликни интеграциялаш, халқаро ҳамкорлик ва таъриб алмаштириш, таълим парадигмаларини ўзгарувчан дунёга мослаштириш бўйича илмий тадқиқотлар сони ҳамда сифати ошди.

Илм-фан тараққиёти ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАСИ

Шу йил 3 апрелда янги Тошкент шаҳрида бир қанча объектлар қурилиши бошланди. Хусусан, "Янги Ўзбекистон" университети ва Тошкент давлат педагогика университети кампуслари, Миллий кутубхона, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллий мақом марказига тамал тоши қўйилди.

Тошкент давлат педагогика университети янги кампуси 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 5 минг кишилик ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва бошқа объектларни ўз ичига олади. Хорижда юқори рейтингли олийгоҳлар таърибаси асосида "боғча — мактаб — университет" ялтилигида инновацион педагогик кластер ташкил этиш режалаштирилган. Бугун педагогларга мамлакатимиздаги илгор кучи сифатида эътибор қаратилиб, янги Ўзбекистонни барпо ётқузилар сафида кўришмоқда. Шу боис, ўқитувчиларни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, жумладан, ҳудудларни ободонлаштириш ва қишлоқ хўжалиги юмушларига жалб этиш

Тошкент давлат педагогика университети илмий-педагогик жамоаси узлуксиз таълим ва педагогнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш — янги технология ва ўқитиш усуллари қўллаш, ўқитишнинг янги форматлари, ўзаро ишонч ва педагогик ҳамкорлик, ўзини намоён қилиш учун қўлай дидактик микромуҳит яратишга ҳисса қўшмоқда. Умумдидактик тенденциялар мажмуасида ўзини ўзи ривожлантириш ва тарбиялаш траекториясига динамик устуворлик берилмоқда. Бу йўналишнинг асосий вазифаси шахсда ахлоқий фазилатлар билан бир қаторда интеллектуал кўникма, гоъ, тушунча, назарий билимларни бойитишдан иборат. Рационалистик тенденциялар амалий натижадорлиги ва вертикал мобиллигини таъ-



каъбиян тақиқланди. Жорий йилнинг 1 февралидан "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун кучга кирди.

Мана шу вазифаларни удалашга Тошкент давлат педагогика университети илмий ва моддий-техник базаси тўлиқ сафарбар қилинган. Университетни ривожлантириш стратегияси ва мақсадли кўрсаткичлари аниқ белгиланган ҳамда илмий жамоа имкониятларидан умумий фойдаланиш натижасида охириги бир йилда илмий салоҳият 38 фоздан 60 фозга кўтарилди. Олий таълим муассасасида фан докторлари 62, фан номзодлари эса 386 нафарга етди. Натижада университет мамлакатимиздаги 30 та олий таълим муассасаси қаторида барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ОТМлар таъсирини баҳолашнинг ТНЕ Impact Rankings халқаро рейтингидан жой олди. Энг муҳими, QS World University Rankings: Asia 2023 рейтингиде Тошкент давлат педагогика университети кучли ОТМлар қаторидан ўрин эгаллади.

Барно АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари доктори, профессор

Барно АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари доктори, профессор

Кун гарбга оғган. Бир неча кундан буён қистови тугамаётган ижара пулини узиш учун "қалбобо"ни излаб йўлга тушдим. Бир оз олдин севалаб ўтган ёмбирдан сўнг ёқимли ҳаво димоқни ачиштиради. Уйдан чаён чиққандай шаҳар кўчаларида одам зич. Кимдир бола-чақасини айлантиради, яна кимдир анча йилдан бери пойтахтга қадам босмаган қариндошларига улкан-улкан бинолар ҳайратини улашади. Одамзод қизиқ, кимдир шаҳарга талтинса, яна кимдир қовушини бир неча ойда қолмасдан қишлоққа тўғрилайди.



"Қалбобо"нинг домига тушган "сахий" уй эгаларининг ҳар қадамда учраган эълонлари вилоятдан шаҳарни орзулаб келган унча-мунча одамни ўйлантириб қўяди. Бош суқишга жой бор, дея шукрни айтиб, ойлик пойлаб яшаётганлар учун маош бериладиган кун байрам ва аза: ўнг қўлинг билан пул олсанг, чап қўлинг билан уй эгасинга узатасан. Шу каби ҳўллар билан банккоматдан пул олар эканман, ортимда ҳассанинг тўқиллаши эшитилди. Олдинига эътибор бермадим. Шаҳарда ҳасса суянган одамлар анқонинг уруги бўлса. Пул ола туриб, ўзимни бу овоз эшитилмаётганига нишонтириб, ортага ўғирилсам, ҳассага суянган 50 ёшлар чамаси, сарғишдан келган, қотма, новча одам турибди. — Телефонингизни бериб тура оласизми? — деди. Олдинига ёши катта бўла туриб, мени "сиз"лаши эриш туолди, унинг ажин босган юзлари, унқиб кетган уст-бошини кўриб, бу киши, балки, шаҳарга янгидир, дея ҳаёлдан ўтказдим. Ўстининг рақамини териб, телефонимни узатдим. Уларнинг гурунгида бу одамнинг пулга муҳтожлиги кўриниб турарди. Узоққа бормади. Телефонни менга узатар экан, нигоҳлари ер чизди. Бир дам квартиранинг пулини олиб бориш учун вақт кетаётганини ўйласам, яна бир ҳаёлда ичимдаги

овоз бу одамни шу ҳолда ташлаб кетиб бўлмастлигини айтарди. — Тинчликми, ака, — дея юзландим. У киши ҳам шунчи пойлаб турган экан, шекилли, дардини дoston қила бошлади. — Эй ука, нимасини айтасиз, қизимни Тошкентга операция қилиш учун олиб келгандим. Дориларига озроқ пул етмай қолди. Кечгача операцияга кириши керак. У бирдам маҳзун ҳолга тушди. — Вилоятдан почта қилиб юборишяпти. Аммо операция бошлангунча етказиб кела олишмайди. Гўёки чўнтакдаги "қалбобо"нинг кучи билан "Ўзи қанча етмаяпти?" дея савол бердим. Бобо ҳам тап тортмасдан миллионнинг ярмини айтди. Мен аллақачон қизил чизқдан ўтгандим. Унинг ҳам кўзларида умид алангаси ёнгандек бўлди. Аксинга олиб, қўлидаги оқ сапфеткага рақамини ёза бошлади. Ёза туриб "Имкони бўлса, бериб туринг; вилоятдан етиб келиши билан қарангизга ташлаб юбораман", деди. Мен эса бу гал уй эгасининг кундасига бош қўя туриб, оқланишимнинг сабаби бўлиши сўнгги сўзимни намадан бошлашимни ўйлардим. У бу орада яшаш вилоятини, қишлоғини, кўчасини ҳам оқ сапфеткага қинғир-қийшиқ қилиб ёзиб бўлганди. Автобус бекати томон юрак эканман, ичимда

бир овоз қилган ишмдан мамнунлики олқишлаша, яна бири ёқадан тугтиб, уй эгасининг кундасига бошлаб борарди. Дам олиш кунини. "Отанг бозор, онанг бозор", дея рўзгорлик қилишга тушдим. Гага-говур. Биров-бировнинг гапини эшитса, қани. Бу шовқин-роғ уммонда икки кундан буён оқ сапфеткадаги телефон рақами ишламаётганини ўйлаб ичимдан эзиламан. Яна яхши гумонга бораман: балки қизи билан бўлиб унутиб қўйгандир. Одам ўздан ўтганини ўзи билди. Ҳеч кимнинг бошига дард солмасин. Бир томондан, унинг қизи соғайиб кетишини ич-ичимдан истайман. Қўлимдаги бозорликни ерга қўйиб, автобус пойлаб бошладим. Уй эгасининг тўлов учун яна бир-икки кунлик "иньом"ни алқай турсам, орқа томондан таниш овоз эшитилди. Олдинига кўзимни бир неча марта уқалаб, нозимга тасарки ҳам уриб кўрдим. Йўқ, бўлмади. Худди ўзи. Фақат биргина белги уни аввалги ҳолатидан бегона қила турибди — ҳассаси йўқ. Қўлидаги оқ сапфетка янгиланган. Уша ручка. Уша унқиб кетган кийим. Ёнидаги одам ҳам мен каби аллақачон қизил чизқдан ўтганди... Сардор ТОЛИБОВЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири




Тадқиқот

БОБУРШУНОСЛИКДАГИ НАВБАТДАГИ ЙИРИК ЮТУҚ

Ваҳоб РАҲМОНОВ, филология фанлари доктори, профессор

Захириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийларнинг жаҳон тарихи ҳамда тамаддунидаги ўрни беқиёс. Уильям Рашбрук Бобур Мирзони “Ҳиндистоннинг асп империя бунёдкори”, деб улуғлагани бежиз эмас. Ҳиндистоннинг энг зарварак тарихи — буюк бобурийлар даври бунёдкорликлар замини сифатида дунё шарқшунослари орасида маълум ва машҳур. Бу ўлканинг барча ҳудудидagi энг буюк меъморий обиди ва боғларнинг кўп қисми Бобур ва бобурийлар даври маҳсулидир. Деҳлидаги Ҳумоюн Мирзо макбараси ва Аградаги Тожмаҳал меъморий ёдгорлиги ансамбллари шулар жумласидан.



киритилган ютуқлар, хусусан, Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон ва Татаристон бобуршуносларининг асарлари жамланган.

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодининг илмий талқини ажиб тарзда жуда тадрижий, тартибли кечди, олдин иккита лугат тузилди: “Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун лугат”, “Бобурнома” учун қисқача лугат.

2000 йилдан бошлаб Бобур асарлари библиографиясини тузишга сермаҳсул ва зўқо шарқшунос Шокирхўжа Рустамхўжаев киришди. Бу олим дастлаб Бобур халқаро жамоат фонди тасарруфидagi “Бобур ва жаҳон маданияти” музейидagi тегишли китоблар библиографиясини тузди. Сўнг библиограф Зухра Бердиева билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги тегишли китоблар ва бобурийлар ҳақидаги китоблар библиографиясини тартиблади.

Нижоят Россия Фанлар академияси Туркшунослик институти ва Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида жаҳон бобурийларига доир асарлар библиографиясини тузди. Москвада нашр этилган “Захириддин Муҳаммад Бобур. Библиография” номли йирик китоб ҳам Ш.Рустамхўжаев меҳнатининг натижаси ўлароқ дунё юзини кўрди. Ушбу тадқиқотчи “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўпламининг ҳам тузувчиси бўлди.

“Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедия”си Бобур номли халқаро жамоат фонди раёсати ва раиси Зокиржон Машрабов ташаббуси ҳамда жонбозлиги, моддий-маънавий хомийлиги туфайли Ўзбекистон ва жаҳон бобуршунослари меҳнати натижаси бўлиб, етти йилда тайёрланди ва икки маротаба чоп этилди.



“Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўпламини қўлга олган киши варақларидан бири.



тиқлол даври навоийшунослиги тараққиётининг нечоғлиқ миқёсида ва теран экани яққол намоён бўлади. Худди ана шундай манзара бобуршуносликда ҳам юз кўрсатди. “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўплами беш жилдликда жаҳон бобуршунослигида қўлга



Бу “сир” шундаки, муайян шахс, шаҳар ё давлат ҳақидаги маълумотлар хронологик, тадрижий равишда берилган. Чунки “Россия” қомусида у ёки бу шахар ҳақидаги маълумот “Бобурнома”даги маълумот билан чекланган бўлса, кейинги манбаларда мазкур маълумотлар бойиб боради.

Чунки биргина Бобур ёки унга алоқадор кишилар ҳақидаги маълумотлар журнал, газета, мактаб ва олий таълим дарсликларининг турли нашрлари асосида такроран йилмай берилверади. Демак, “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўплами ўзида бобуршуносликнинг илк намуналари, шаклланиши, тараққиёти босқичлари — тадрижий эволюциясини ўзида мужассамлаштирган.

Камина бу беш жилдди “жаҳон бобуршунослиги қомуси” деб атаган бўлардим. Чунки унда, асосан, Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Беларусь, Озарбайжон, Англия, АКШ, қисман, Ҳиндистон бобуршунослари мақолалари жамланган.

Тузувчи-муаллиф, шарқшунос олим Ш.Рустамхўжаев ҳар бир мақолагаги сўз (имловий), тарихий сана ёки бошқа бирор илмий нуқсон ёхуд босқич талқинга дуч келса, қомусида уларни ишқоқ қилиб, ҳақиқий илмий истилоҳий ҳолати ҳақида тушуنча бериб боради. Масалан, манбадаги “Шоҳ Акбар 1598 йилда шаҳар қалъаси ичда Девони Авома макбараси қаршида масжид қурди” деган гапдаги “Девони Авома макбараси” сўзларига ҳозирда қуйидагича изоҳ ва тузатиш киритилди:

“Манбада “Девони Авома макбараси” тарзида хато ёзилган. Зеро, у макбара эмас, балки подшоҳнинг умумий мажлислар зали... “Девони Ом” бўлиши зарур” (“Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўплами. 3-жилд, 373-бет). Ёки манбадаги: “Қабр тошига Аллоҳнинг 99 хил сифати ўйиб ишланган” деган гапга тузувчи-муаллиф ҳозирда шундай изоҳ беради:

“Манбадаги “Аллоҳнинг 99 хил сифати” тўғри эмас, балки Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадисларда ёзилишича, “Аллоҳ таолонинг 99 гўзал исми” (3-жилд, 374-бет).

“Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўплами Бобур ва бобурийларнинг кўпроқ Ҳиндистон ва Покистондаги ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида сиёсий, иқтисодий, этнографик, маънавий-маиший, санъат ва адабиёт, урф-одатлар хусусида ҳам ҳар томонлама тўла маълумот беради.

Ушбу китоблардан Шарқ мамлакатларидаги юзлаб таниқли кишилар, ҳатто биз билишни истган, аммо форс манбаларида ҳам топилмайдиган маълумотлар учрайди. Чунки, Султон Маҳмуд ва унинг севимли кули Абу Назм Аёз ҳақида ўнлаб ривоят, ҳикоят, дostonлар ёзилган. Бироқ Аёз фаолияти, қаерларда бўлгани борасида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Ушбу тўпламдаги маълумот бизни ҳайратта солди:

“Лаҳур азалдан гўзал боғлари билан машҳур. Шаҳарнинг дарё бўйида жойлашув хукмдорлар ва гўзаллик ошкдиларга эстетик динини рўёбга чиқариш имконини яратиб, тарихий манбалар муносонлар хукмрон бўлган даврларда 36 та, сикхлар даврида 23 та ва инглизлар даврида 3 та боғ барпо этилганидан далolat беради.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Маҳмуд Газнавийнинг содиқ кули, шаҳар ҳокими Аёз Малик биринчилардан бўлиб боғ қурган (“Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомусий, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар тўплами, 3-жилд, 372-бет).

“Лаҳур қалъаси. Тарихий ва меъморчилик нуқтаи назаридан қалъа жуда кўп воқeаларни бошдан кечирган ва деярли минг йиллик тарихга эга... Маҳмуд Газнавийнинг яқинлари билан Аёз Малик шаҳарга ҳоким қилиб тайинланган, у шаҳарни лойдан қайта қурган ва “Маҳмуд нур” деб атаган” (3-жилд, 375-376-бетлар).

Тузувчи-муаллиф Ш.Рустамхўжаев Бобур ва бобурийларга улкан эҳтироми туфайли ушбу йирик сулола вакилларининг ижоди, фаолияти, тузуми ва туғтуми, сиёсати ва ҳарбий ҳаракатлари, бунёд этган шаҳар ва меъморий обидалари, боғ-роғлари, оилавий муносабатлари икки-чикиригача ақс этган маълумотларни ўзбек, ҳинд, инглиз, немис, француз, урду, форс, рус, татар, беларус, украин, озарбайжон, турк, тожик тилларидаги қомус, тўплам, альбом, журнал, китоб, газеталардаги материалларни синчиклаб ўрганган, беш жилдда жамлаган. Гўё бу киши Олимжон Давлатовнинг навоийшуносликдаги ишhini бобуршуносликда бажарган.

“Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” тўплами Бобур ва бобурийлар бўлган, забт этган ва қурдирган шаҳар, боғ-роғлар ҳақида, хукмдорлар шахси ва мураккаб қисмати, тантанаси ва таназзули, буюк ҳиммати ва ноқорлиги... хуллас, улар ҳаёти ва фаолияти борасида юз хил қарашдаги муаллифларнинг айтган, ёзган фикрлари, далиллари ҳазинасини ўзида жамлаган қомуслар қомусидир.

Бунгача биз, бобуршунослар бу маълумотлардан бир ҳовучгинасини Ўзбекистондаги нашрлар асосида билар эдик, ҳолос. Энди бу йирик сулола фаолиятини жаҳон бобуршунослари кўрган-билганларига қузатиш имкониятига эгамиз.

Ушбу беш жилдди қомусни ўқир эканман, таассуротлар туфайли шундай фикр туғилди: Ш.Рустамхўжаев бу эзгу ишhini давом эттирса, яна ўн-ўн бешта шундай адабий илмий қаср бунёд эта олади. Чунки бу керак.

Бу китоблар жаҳон бобуршуносларининг бобуршуносликка қўшган ҳиссасидан намуналаридир. Чунки жаҳоннинг XX-XXI асрдаги машҳур бобуршунослари Эйжи Мано, Уилер Текстон, Шафиқа Еркин, Ҳалим Еркин, Билол Южел, Азиз Каюмов, Саидбек Ҳасанов, Ҳасан Қудратиллаев ва шулар сафидаги юзлаб жаҳон ва ўзбек бобуршунослари асарларига мурожаат этилса, “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” қомуси 20-30 жилдга етказилса, ажаб эмас.

Шу маънода ушбу беш жилдди “Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар” тўпламини ушбу хайрли ишларнинг ибтидоси, дегим келади. Қувонарлиси, ибтидодаги илмий ахборот тарзидаги қомусий тўплам Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуздан 540 йиллигига заҳматкаш бобуршунос Шокиржон Рустамхўжаевнинг улкан армуғони бўлди.

Тўловчимиз оддий йиғувчи эмас, олимона заковат ва билимдонлик билан вазифаси ижросига киришган. Қутганидан ҳам каттароқ ютуққа эришгани билан уни табриклаймиз.

Бундай ишларга танқидий нуқтаи назар билан ҳам қарамаслик керак. Мазкур ишни тузувчимиз имкони даражасида яхши бажарган. Унинг ўнга яқин тилни яхши билиши,



закоси ва толмас ғайратчанлигига қараб ҳавасимиз келади.

Бу китобларнинг ҳар бирига келгусида йирик сўзбошлар ёзилмоғи ва ҳар бир муқаддимда Бобур асарлари ва бобуршуносликдаги чин ва нуқсонсиз нуқтаи назардан соф илмий аниқликни талаб қилувчи бахсли масалаларни кўпроқ қўя билмок керак.

Чунки, шу муаммолардан бири — Бобурнинг Кобулга кўчирилиши ҳақидаги масала юзлаб илмий мақола ва китобларда “Васиятига кўра, Бобур Кобулда дафн этилган” деган маълумот берилади. Ҳолбуки, бу маълумот қуйидаги сабабларга кўра тўғри эмас:

Биринчидан, Бобурнинг бу ҳақда ҳеч қандай васияти йўқ (на ёзма, на оғзаки); иккинчидан, бундай васият бўлса, Бобур жасади уч ой махсус моёда сақланмасди. Чунки уч ойда Аграда шаҳаншоҳ Бобурга муноси мақбара бунёд этилди;

учинчидан, Бобур исломий эътиқодли (марҳум ўлган жойда кўмилмоғи лозим), ворисларини севувчи ва улар зиёратига ишонувчи бўлгани учун агар васият қилса, “Мени Аграда кўминлар”, деган бўларди. Чунки ўз сулоласи шу улкан мамлакатда ҳукм суришини ўқир ақли билан тасаввур эта оларди.

Энди нега Бобур ҳокими Кобулга кўчирилди? Урта асрларда сулолалар ҳукмронлиги алмашганда йирик бузғунчиликлар содир бўларди. Ҳатто Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Кашмирни эгаллаганда, Кашмир муслмонлари шиа мазаҳида бўлгани учун эътиқодидан қайтмаганларни қатл эттирган. Унинг тарафдорлари Шайх Ироқийдй азиз инсонни қабридан чиқариб, ўтда ёққан.

Бобурнинг кенжа завжаси Биби Муборика ана шундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун янги ҳукмдор (Бобурнинг собиқ навқари Фарихддин) Шерхон Сурудан Бобурнинг хокини Кобулга олиб кетишга рухсат олган. Чунки Ҳумоюн Мирзо Шерхондан енгиллиб, Эронга қочиб кетган эди.

Бундай муаммолар “Бобурнома”нинг ўзида ҳам оз эмас. Чунки асарда шайбонийлар билан қизилбошлар жангида кўп султонлар қатори Убайдхон (Убайхон) ҳам ўлдирилгани ёзилган. Ҳолбуки, Убайдуллоҳ Бобур Мирзодан анча кейин вафот этган. Ёки Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Еракентга кетди, деган маълумот ҳам тўғри эмас. У Бобур ҳузуридан Андижонга — поччаси Султон Саидхон даргоҳига бориб, икки йилдан сўнг Султон Саидхон билан Еракентга ҳарбий юришга жўнаган.

Хуллас, Ш.Рустамхўжаевнинг ушбу азиз хизмати адабиётшуносликка, хусусан, бобуршуносликка қўшган йирик олимона ҳисса сифатида ҳар томонлама табриклашга арзийди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограм” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Бюджет — 1577. 44034 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов Дизайнер: Хуршид Абдуллоев